



ЕХХТ БОШ КОТИБИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) бош котиби Хельга Шмид билан музокара ўтказди.



ЕХХТ билан ушбу ташкилот фаолиятининг учта — иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар йўналишларнинг барчасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги вақтда алоқалар фаоллашгани, очиқ ва конструктив мулоқот ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро ҳамкорликка 30 йил тўлган жорий йилнинг ўзига Ўзбекистонга ЕХХТнинг амалдаги раиси Збигнев Пау ва ЕХХТнинг Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмонов ташриф буюрди. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Парламент ассамблеяси ва ЕХХТнинг

ОАВ эркинлиги бўйича вакили билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш бўйича ҳамда 2026 йилга қадар даврга мўлжалланган Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш стратегияси доирасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сўхбат давомида ЕХХТ тузилмаларининг эксперт кўмаги, айниқса, Ўзбекистонда демократик ислохотларни давом эттириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Иқтисодиёт ва экология йўналишларидаги ҳамкорликни кучайтириш, “яшил”

иқтисодиёт, рақамлаштириш, кичик бизнес ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларини таъминлашга оид қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ФРАНЦИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида Париж шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар, Франция Парламентининг қуйи палатаси — Миллий йиғинида учрашув ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари иштирокида ишбилармонлик тadbирларини ўтказиш кўзда тутилган.

Кун тартибидан конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, фаол гуманитар ва таълим алмашинувларини давом эттириш масалалари ўрин олган.

Саммит якунида ўндан ортиқ муҳим икки томонлама ҳужжатлар, шунингдек, инвестиция битимлари ва савдо шартномалари тўпламининг қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф кунлари Франция пойтахтидаги жаҳонга машҳур Лувр музейи ва нуфузли Араб дунёси институтида мамлакатимизнинг бой маданий ва тарихий меросига бағишланган ноёб кўргазмалар очилади.

Бундан ташқари, шу кунларда Парижда Франциянинг “МЕDEF” тadbиркорлар ҳаракати кўмаги билан ташкил этилган бизнес-форум бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА

“ОНАЛАР БОҒИ”

ЮРТНИ ОРЗУ-ҲАВАС ВА МЕҲР БИЛАН ЯШНАТАДИ

Мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва унинг доирасида “Долзарб 40 кунлик” акцияси давом этмоқда. Шу кунларда об-ҳаво нисбатан ёғинли келганига қарамай, ҳар бир илиқ кундан унумли фойдаланиб, ҳудудларда кузги ниҳол экиш ишлари давом этяпти. Зеро, табиат мусаффолиги — ҳаётимиз давомийлиги асоси. “Бирни кессанг, ўрни эк”, “Яхшидан боғ қолар” каби мақоллар халқимизнинг табиатга меҳр-муҳаббати, яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари миллатимиз табиатидаги ана шу яратувчанликка таянган ҳолда “Дарахт ҳавас билан экилиши, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланиши лозим”, дея таъкидлаганида ҳам катта маъно муҳассас.

Дарахқикат, дарахтлар фақат чиройли манзара берувчи яшиллик эмас, у чексиз кислород манбаи, ҳаво-

ни ғубордан тозаловчи восита, чанг-тўзондан ҳудудларни ҳимоя қилувчи яшил қалқон. Унинг шу ва яна кўплаб ижобий жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда, юртимизда экологияни яхшилаيمان, деган ҳар бир инсон дарахт экиши учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси илгари сурилди.

Давоми 5-бетда

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

“ЮРТ БАЙРОҒИН КЎНГЛИНГГА ЭК ИЛДИЗ ОТСИН, КЎРСАТСИН БҲЙ”



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Азим пойтахтнинг қиёфаси кундан-кун янгилашиб бораётган экан, 5-6 йил аввал файзи йўқолиб, эътибордан четда қолган “Халқлар дўстлиги” майдони, у ердаги муҳташам санъат саройи яна ўз файзига эга бўлгани дилни яйратади, кўзни қувонтиради. Давлатимизнинг майдонга ўрнатилган пурвиқор байроғи эса унинг кўрмига кўрк қўшиб турибди.

Ҳар сафар майдон узра байроқ томон бораётган эканман, негадир шомол эсишини истайман. Чунки шомол эсган чоғ Тошкентдаги энг катта байроқнинг ҳилпираши кишига ўзгача завқ беради, унинг бутун буй-бастини намоён этади. Ҳажми 10х20 метр бўлган байроқни баландлиги 65 метрлик забардаст устун бемалол тутиб туради.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам 57 метрлик, Бектемир туманида 35 метрлик катта байроқлар ўрнатилган. Фарғона, Андижон, Навоий вилоятлари, Гулистон шаҳрида 60 метрдан баланд бўлган байроқларимиз гўёки осмон билан бўйлашиб турибди. Бухоро, Самарқанд, Наманган, Жиззах, вилоятлари, Урганч шаҳрида ҳам шундай баландликда марғур ҳилпираётган байроғимизни кўриб, дунё давлатлари байроқлари орасида энг чиройлиси, дегингиз келади.

Давоми 6-бетда

САМАРҚАНДАДА “ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ФОРМАТИ ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида 17-18 ноябрь кунлари “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” шаклида ташқи ишлар вазирлари учрашуви ва “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференция ўтказилмоқда.

Мазкур конференция доирасида “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказида Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда барқарор энергияни ривожлантиришга қаратилган

янги лойиҳасига бағишланган давра сўхбати ва “Марказий Осиё ёшлари овози” форуми ташкил этилди.

Минтақа давлатларидан энергетика бўйича

миллий идоралар масъуллари ва экспертлар ҳамда ЕИ вакиллари иштирок этган давра сўхбатида Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган “Марказий Осиёда барқарор энергия боғлиқлиги” (SECCA) янги лойиҳаси ишга туширилгани маълум қилинди.

Давоми 2-бетда

ЎЗГАРАЁТГАН ВА ЯНГИЛАНАЁТГАН МАСКАН

“Дунё” АА

НУҚТАИ НАЗАР

Туркий давлатлар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Улар чуқур ва мустаҳкам тарихий илдишларга эга. Жаҳон цивилизациясида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, фан, таълим, савдо-сотик ривожига муносиб ҳисса қўшган. Муайян сабабларга кўра, бу давлатларнинг ўзаро салоҳият ва куч-қудратини бирлаштириш муддати бир оз чўзилди. Бироқ этник хусусиятлар, тил, маънавият, маданият ва қадриятлар муштараклиги туркий мамлакатларнинг жипслашуви учун қулай шароитни юзага келтирди.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ ҚУДРАТ КАСБ ЭТСА...



Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида ўтказилган саммити дунёда кузатилаётган мураккаб вазиятда ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий алоқаларни юқори босқичга кўтариш учун имкониятлар эшигини очди. Шу кунгача ташкилот Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши сифатида фаолият олиб борган бўлиб, янги номда янгича қарашлар, ғоя ва дастурлар билан жаҳон саҳнига чиқди. Ташкилот ўтган даврда савдо-сотик, саноат, ишлаб чиқариш ва инвестициялар, "яшил" иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ҳамда маданият соҳаларидаги

кўп қиррали муносабатларни кенгайтира олди. Жумладан, биргина 2020 йилда аъзо давлатларнинг жами импорти 420 миллиард, ўзаро айирбошлаш ҳажми 21 миллиард долларни ташкил этгани иқтисодий алоқаларнинг роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Савдо-иқтисодий масалаларни бир-галикда ҳал этиш учун туркий тилли давлатлар имкониятларини бирлаштириш бўйича катта салоҳият мавжуд. Бу салмоқли ялпи ички маҳсулотга эга ташкилот маконида ўзбек маҳсулотлари экспорти учун истиқболли бозор мавжудлигидан далolat беради. Бунини охириги йилларда аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик кун тартибидagi муҳим масалага айланиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Шунга ҳамоҳанг тарзда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси йилдан-йилга ортди борапти.

Тинчлик, барқарорлик туфайли чегаралар очиклиги, ўзаро эркин савдо-сотик ва демократик шаффоф ислохотлар боис, сўнгги йилларда юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони кўпаймоқда. Ислom дини тараққиёти ва илму урфонига беназир ҳисса қўшган буюк алломаларимиз Абу Исо Муҳаммад Термизий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий ва Мирзо Улуғбек каби табаррук зотлар зиёратгоҳлари мусулмон ўлкалардан қадим ранжиди қилган сайёҳлар билан гавжум бўлаётди. Улар орасида туркий халқлар катта кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллагани ўзаро ишонч, меҳр-оқибат, қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром юксаклигини кўрсатади.



Туризм жабҳаси кўзга кўринмас катта иқтисодий йўналиш бўлиб, минтақада ўтган даврда туризмининг янада ривожлантириш учун "Боку — Тбилиси — Қарс" темир йўли бўйлаб қатновни йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилгани минтақавий туризмни оммалаштириб, Ўзбекистон учун ҳам самарали иқтисодий омилларни яратди.

Бундай миллий анъаналар ва бордикелди урфлари муштарак маконимизда ўсиб келаётган ёшлар қатлами туркий қадриятлар руҳида тарбияланишига хизмат қилади. Туркий давлатлар ёшлари бугун олаётган тарбияси, катта авлоддан ўзлаштирилган таърибаси натижасида

келгусида мамлакат бошқарувида фаолият юритганда бир-бирини ҳимоя қилишига, иқтисодий ҳамкорлик соҳасида қўллаб-қувватлашга ва ўзлигини унутмасликка интилади, десак муболага бўлмайди.

Йиллар синовидан ўтиб келаётган дўстлик ва ҳамкорлик асосига қурилган ташкилот саммити аъзо давлатларнинг муштарак мақсади ва узоқ муддатли истиқболли режалари тасдиғи сифатида кўтаринки руҳда ўтди. Бундай кенг қўламли иқтисодий муносабатлар, аввало, денгиз бандаргоҳлари сари йўл, Марказий Осиёда янги транспорт ва энергетика йўлакларини очиш, барқарор хавфсизлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга

катта имконият яратди. Аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш борасидаги бу муҳим қадам ташкилотнинг иқтисодий-сиёсий мустақиллигини англатади.

Бинобарин, саммитда кўшни Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга кўмаклашиш ва ҳудудни денгиз бандаргоҳларига чиқиш учун ишончли коридорга айлантириш зарурлиги долзарб масала сифатида кўтарилди. Ёчим сифатида кўшни давлатда темир йўл транспорти қатнови билан боғлиқ ишларни янада жадаллаштириш ва якунига етказиш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Глобаллашув шароитида атроф-муҳит муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, айниқса, келгуси авлодни мусоффо ҳаво, чучук сув ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ институционал ёндашувлар илгари сурилди. Минг-минглаб аҳолининг ҳаётдан розилигини таъминлаш учун доимий иш ўринлари ташкил этиш, қашшоқликка барҳам бериш, камбағалликни икки баробар қисқартириш борасидаги таклифлар ўрганилиб, қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти биринчи саммити доирасида ўндан ортиқ муҳим ҳужжатлар имзоланиб, ташкилотнинг транспорт соҳасидаги дастури, содда-лаштирилган божхона йўлакларини шакллантириш тўғрисидаги битим ва савдо стратегияси бўйича қелишувлар имзоланди. Ташкилотнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган стратегияси имзолангани минтақанинг яқин истиқболдаги иқтисодий тараққиётини кафолатлайди.

Саммитнинг асосий ҳужжати — Самарқанд декларацияси қабул қилингани ва давлатимиз раҳбарининг 2023 йилни Туркий цивилизация юксалиши йили деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани тарихий ҳодисадир.

Қўшничилик анъаналарига роя эити халқимиз турмуш тарзида доим муҳим ўрин тутиб келган. Саммитда ташкилотнинг навбатдаги саммитига кейинги йилда Қозоғистон томонининг мезбонлик қилиш таклифи иттифоқдошларнинг бу тузилмага

нечоғлиқ ҳурмат билан ёндашаётгани ва ўз келажагини меҳр-оқибатга таянган муносабатларда кўраётганидан дарак беради.

Саммитда кўп векторли иқтисодий алоқаларни янада интеграциялаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилотининг Инвестиция жамғармасини таъсис этиш бўйича ўзаро қелишувга келингани қабул қилинган ҳужжатлар ихроси йўлидаги муҳим амалий қадамдир. Бундай одимлар мамлакатларда татбиқ қилинаётган рақамли иқтисодиёт ислохотларига уйғун ҳолда, аъзо давлатлар учун савдо-иқтисодий ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган турли чекловларни бартараф этишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи сиёсатида қўл келадиган қардошлар тузилмасининг истиқболда минтақани ҳеч кимга иқтисодий-сиёсий қарам қилмаслик ва ташқи сиёсатда мувозанатни сақлаш борасидаги позицияси муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз фақат муайян ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда чекланиб қолмайди, аксинча, этноиқтисодий туташ ва қудратга тўлаётган янги сиёсий, иқтисодий бирлашма билан ҳам дипломатик муносабатни мустаҳкамлаш, тенгшериклик миссиясидан оғинмайди, десак муболага бўлмайди. Шу боис, Ўзбекистон томони саммитда илгари сурган асосий муҳим йўналиш иқтисодиёт, трансчегаравий соҳаларни тараққий эттириш бўлиб, бу ёндашув ташкилот аъзолари учун ҳам стратегик фаолиятни ойдинлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити янгича ҳамкорлик позициясига эга бўлиб, нафақат халқимиз, балки қардош халқларнинг ҳам турмуш тарзи фаровонлиги ва раванқига хизмат қилиши кутилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур саммитда Ўзбекистон савдо-иқтисодий соҳаларни интеграциялаштириш, фан ва таълим сифатини тубдан яхшилаш, кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш, рақамли технологияларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳамда транспорт-логистика, коммуникациялар, маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш борасида самарали қелишувларга эришди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ТАХҲИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

УНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ ҚАНДАЙ НАМОЁН БЎЛАДИ?

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги тахрирда қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида узоқ кутилган муҳим воқеа бўлди. Зеро, бунга бўлган эҳтиёж аллақачон сезилиб, меҳнат ҳуқуқи соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш вақти келганди. У меҳнат кодексининг бир қатор муҳим жиҳатлари борки, янги Меллатимизнинг нафақат бугунги кунни, балки келажагини ҳам кўп жиҳатдан белгилайди. Гап шундаки, кодекс гендер тенглик талабларига мувофиқ тўлиқ тахрир этилгани билан ҳам аҳамиятли.



Ҳозирда оилавий вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган аксарият имтиёзлар фақатгина аёлларга нисбатан татбиқ этилади. Шу сабабли кўп иш берувчилар эркак ходимларни ишга олишни афзал кўради. Чет эл тажрибасидан (Германия, Франция ва бошқа мамлакатлар) келиб чиқиб, Меҳнат кодексининг янги тахририда аёлларнинг физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлган кафолат ва имтиёзлари уларнинг оилавий вазифаларини бажариши билан боғлиқ кафолат ва имтиёзлардан аниқ чегараланди.

Янги Меҳнат кодексининг "Ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимоя қилинишга муҳтож шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни ўзига хос хусусиятлари" деб номланган 25-боби биринчи банди моддалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Жумладан, 401-моддага кўра, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ўндан ортиқ бола-нинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь куни бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Яъни бу ўринда "она-га" ёки "аёлга" эмас, балки боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) дейилган. Бу эса айнан оилавий вазифаларни бажариш билан боғлиқ кафолатни энди оиланинг барча аъзоларига татбиқ қилиш имконини беради.

Янги тахрирдаги кодекснинг 403-моддасида ҳомиладор аёлларга антенатал (туғуруқча) парвартишлаш учун қўшимча бўш кунлар берилиши кафолатланган. Унга кўра, иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғуруқча) парвартишлаш (перинатал скрининг) ва таъхис, мажбурий тиббий кўрик ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шарт. Бу эса аёлларнинг айнан физиологик хусусиятлари билан боғлиқ кафолат. Чунки бағрида янги ҳаётни улғайтириш вазифасини айнаан аёллар бажаради ва бу жараён кўнглидагидек кеч-чиши кўп жиҳатдан меҳнат ҳуқуқига оид қонун ҳужжатларига ҳам боғлиқ.

Бинобарин, янги Меҳнат кодексига аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимоя қилинишга муҳтож шахс сифатида меҳнат ҳуқуқлари алоҳида кафолатланди. Унда, ҳусусан, ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ бир қатор моддалар билан бирга, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар ҳам кўзда тутилган.



393-моддага биноан, иш берувчи касба ўзлашга кўмитаси билан қелишувга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан қелишувга биноан тасдиқланадиган тавсияларни инобатга олиб, ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган, аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш чекланадиган айрим ишлар рўйхатини белгилашга ҳақли.

Ушбу моддага мувофиқ, аёллар томонидан улар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташиш тақиқланади. Аёлларнинг оғир юкларни кўтариши ва ташиши чоғида улар учун йўл қўйиладиган энг кўп юкламалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан қелиштилган ҳолда белгиланади.

Меҳнат кодексининг янги тахририда гендер тенгликни таъминлаш масалаларига бу қадар эътибор берилиши беҳиз

эмас. Чунки агар масаланинг инсон ҳуқуқи ва маънавият билан боғлиқ томонларини бир четга суриб, шунчаки иқтисодий жиҳатини оладиган бўлсак ҳам фаол иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорининг самарали ишлаши айнан гендер тенглик туфайли таъминланади. Бунини дунё мамлакатлари таърибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Қолаверса, гендер тенглик кафолатларининг Меҳнат кодексига мустаҳкамланиши иш берувчиларнинг янги иш ўринларини яратиш, уларга кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кадрлар, жумладан, аёллар салоҳиятини оширишга қизиқишини орттиради.

Хулоса ўрнида яна бир гап. Мутахассисларнинг фикрича, меҳнат муносабатлари такомиллаштирилиши натижасида биргина 2023–2024 йилларда қўшимча равишда 280 минг фуқаронинг бандлиги таъминланишига эришилади. Улар орасида хотин-қизлар ҳам бор. Бу эса кўпала мустаҳкамланган оилалар, ушланган орзулар ва баркамол улғайётган фарзандлар демакдир.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР

МАВЖУД МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ ВА ОДАМЛАР ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун электр энергияси, газ таъминоти каби масалалар ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозир ҳудудларда электр токида узилишлар, чекловлар, газ босими пасайиши каби ҳолатлар учраяпти.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида юртимизнинг 3 та вилоятида умумий қуввати 1154 мегаваттга тенг 5 та янги иссиқлик электр станцияси ишга туширилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси фойдаланишга топширилган. Ушбу янги электр станциялар йилга 9 миллиард 660 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Қурилмаларнинг энергия тежамкорлиги ҳисобига йилга 1 миллиард 353 миллион метр куб табиий газ тежаланишига эришилади.

— Электр энергиясидаги узилишларнинг сабаби станцияларимизда электр ишлаб чиқариш учун ёқилғи етишмаслигида, — дейди Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Ҳужаев. — Масалан, Ўзбекистонда мавжуд электр энергиясининг 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг қарийб 85 фоизи табиий газ воситасида юзага келади. Тез кунларда чекловлар масаласи 80 фоиз ҳал этилади. Шу мақсадда табиий газ ва электр энергияси экспорти тўхатилган. Импорт эса 20 фоизга оширилган.

Қайси ҳудудларда электр энергиясидаги узилишлар ярим ёки бир соатдан ошиб кетаётган



Яқин кунларда эса Сирдарё вилоятининг Ховос туманида 220 мегаватт қувватли замонавий иссиқлик электр станцияси ҳам фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб, бир йилда 7 та замонавий электр станция ишга туширилмоқда. Умуман, охириги беш йилда барпо этилиб, фойдаланишга топширилган жами электр станциялари ундан олдинги чорак аср мобайнида қурилганларидан кўп.

Айтиш жоизки, ҳозир электр энергетикаси трансформацияси бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Бугун амалга оширилаётган ислохотлар, тизимдаги ўзгаришлар айни шу мақсадларга қаратилган. Булар, табиийки, ўз самарасини бериши керак.

Таъминотдаги узилишлар сабаби нимада?

Ҳўш, унда узилишлар, чекловлар, таъминотдаги муаммоларнинг сабаблари нимада?

бўлса, бунинг сабаблари ўрганилади. Агар бунда инсон омили аниқланса, масъулларга чора кўрилади.

Қайд этилишича, 2016 йилгача Ўзбекистонда битта замонавий буғ-газ иссиқлик станцияси қурилган бўлса, бундан буюғига давлат маблағлари ҳисобига саккизта шундай қурилма барпо этилган. Бу ҳам электр энергияси ишлаб чиқарилишида яхши самара берапти.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган электр энергиясининг истеъмолчиларга сифатли етказиб бериш мақсадида жорий йилнинг ўтган ўн ойда юқори кучланишли 8 та подстанция модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 1 минг 116 мегавольт амперга оширилди. 3 минг километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари ва 1 минг 33 та трансформатор пункти янгиланди.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида республикамизда жами 60,6 миллиард кВт.соат, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 миллиард кВт.соатга кўп электр энергияси ишлаб чиқарилгани эътиборга молик.



“ҚАЙСИ ҲУДУДЛАРДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАГИ УЗИЛИШЛАР ЯРИМ ЁКИ БИР СОАТДАН ОШИБ КЕТАЁТГАН БЎЛСА, БУНИНГ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛАДИ. АГАР БУНДА ИНСОН ОМИЛИ АНИҚЛАНСА, МАСЪУЛЛАРГА ЧОРА КЎРИЛАДИ.

Шунингдек, ўтган ўн ой давомида республикамиз истеъмолчиларига 51,3 миллиард кВт.соат (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 миллиард кВт.соат кўп) электр энергияси етказиб берилди.

Бундан ташқари, куз-қиш даврини беталафот ўтказиш мақсадида газ таъминоти корхоналарида 244 та, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида 439 та аварияга қарши бригада ташкил этилган.

Ушбу даврда истеъмолчиларга жами 34 миллиард 565 миллион кВт.соат (ўтган куз-қиш мавсумига нисбатан 2 миллиард 254 миллион кВт.соат кўп) электр энергияси етказиб берилиши режалаштирилган. Ушбу мавсумда истеъмолчиларга бериладиган табиий газ ҳажми эса 30,6 миллиард куб метрни ташкил қилади.

Суюлтирилган газ таъминоти тизимидаги 85 та газ тўлдириш пункти ҳамда 1 минг 58 та газ ташувчи ва тарқатувчи автотранспорт воситаси техник соз ҳолатга келтирилган.

Шу билан бирга, истеъмолчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, жорий йил якунига қадар 12,7 минг донга қўшимча маиший газ баллонни фойдаланишга чиқарилади.

Жорий йилнинг 15 сентябридан бошлаб бугунги кунгача аҳоли 401 минг тонна кўмир билан таъминланган. Иил якунига қадар яна 882 минг тонна кўмир етказиб берилди.

Мутасаддилар фикрича, электр энергияси таъминотида тежамкорликка эришишда АСКУЭ тизими қўл келмоқда. Яъни тўловни амалга оширмаган истеъмолчи электр токи ёки газ билан таъминланмайдми. Ушбу тизим ишга тушгач, электр энергиясининг истеъмолчилига етказиб беришдаги узилишлар уч баробарга қисқарган.

Масаланинг яна бир ечими

Гап электр энергияси, тизимдаги етишмовчилик ва камчиликлар ҳақида кетар экан, яна бир масала, яъни муқобил манбалардан фойдаланиш алоҳида тўхталишни жоиз деб билдик. Зотан, сўнгги пайтларда қуёш, шамол ва бошқа табиий омиллардан фойдаланган ҳолда энергия олиш масаласи оммалашмоқда. Бу — бугунги давр талаби. Шу боис, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг 10 июнь куни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча вазирлик ва идора, ҳокимлик, маҳалла биналарини ҳам муқобил энергияга ўтказиш вақти келганини таъкидлаган эди. Сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида бу соҳадаги узилишлар анча камайса-да, куз-қиш мавсумида аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжи кескин ошиши сабабли барча огирлик электр тармоқларига тушаётгани қайд этилганди.

Юртимизда келгуси беш йилда электр энергияга эҳтиёж 10 миллиард киловатт-соатга ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда энг самарали йўл муқобил энергиядан фойдаланиш ҳажмини оширишдир.

“Бугунги масала умуммиллий аҳамиятга эга. Бу ишларни авваллаб ўзимиздан бошлашимиз керак. Ҳар бир ҳоким, вазир, барча даражадаги раҳбарлар шахсий намуна кўрсатиб, ўз уйи, ишхонасида муқобил энергия

ўсқунасини ўрнатиши зарур”, деган эди давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда.

Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда Ўзбекистонда 10 миллиард долларлик электр ва газ истеъмол қилинади. Бунинг учун вазирлик ва идоралар миллиардлаб маблағ сарфлайди. Шу боис, бундай ишларни оммалаштириш зарур, барча вазирлик ва идоралар, ҳокимлик, маҳалла биналарини муқобил энергияга ўтказиш керак.

Эътиборлиси, ҳозир бир қатор ташкилотлар ишга киришган. Шундай эзгу мақсадли охириги янгиликлардан бирига тўхталсак. Масалан, яқинда Вазирлар Маҳкамаси биносидида қуввати 630 кВт. бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилди. Мазкур қуёш фотоэлектр станцияси йилга 1,1 миллион кВт.соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқаради. Станция Вазирлар Маҳкамаси биносини кундуз кунчи тўлиқ электр энергияси билан таъминлай олади. Шу билан бирга, эҳтиёжидан ортган қисмини ҳудудий электр тармоқларига узатиш имконияти ҳам яратилди.

Булар, табиийки, муқобил энергия қурилмаларига талабни оширади. Демак, уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларга ҳам жиддий киришилган. Бундай ўсуналарни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитлар яратиш чоралари кўрилкомади.

Бундан ташқари, яқинда Энергетика вазирлигига Ўзбекистонда умумий қуввати 500 МВт. бўлган 3 та қуёш фотоэлектр станциясини қуриш ва ишлатиш учун мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар (хусусий инвесторлар)ни танлаш бўйича эълон қилинган таклифлар сўровига жавобан 4 та компания ва консорциумдан таклифлар келиб тушди. Яъни Бухоро вилоятида 250 МВт. Наманган вилоятида 150 МВт. ва Хоразм вилоятида 100 МВт. қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар олинди. Ғолиб бўлган инвестор қуёш фотоэлектр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, ишлатиш, сақлаш ва шартнома муддатда охирида станцияни топшириш ёки бузиб беришни амалга оширади.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисми баҳолангандан сўнг Тендер комиссияси иштирокчиларни уларнинг молиявий таклифларини очиш маросимига таклиф қилади.

Электр энергиясини кўпайтиришнинг яна бир манбаси гидроэлектр станцияларидир. Мамлакатимизда бу қувватни ошириш учун ҳудудларда микро ва кичик гидроэлектр станцияларига мос майдонлар белгиланиб, жами қуввати 56 МВт. бўлган 200 та лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон энергетика тизимидаги бу каби янгилик ва ўзгаришлар, албатта, ўз самарасини беради. Бугунги ҳаракатлар шундан далолатдир.

ЯНГИ ТАЖРИБА



ТАКРОРИЙ ПАХТА ЕТИШТИРИШ

СИНОВ ДАЛАСИДА КАМИДА 25-30 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИНЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Мамлакатимизда ҳар йили бир миллион гектардан ортиқ майдонда ғалла етиштирилади. Одатда ҳосил йиғиб олингандан кейин унинг ўрнига такрорий, яъни мош, ловия, маккажўхори, жўхори, картошка каби 30 дан ортиқ турдаги экинлар экилади. Улардан олинаётган ҳосил дастурхонимиз тўқин бўлиши, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга катта ҳисса қўшиб келяпти.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари шу йил ёзда янги тажриба ўтказишга киришди. Институтнинг ўсишни соловчи регуляторлар лабораторияси ходимлари томонидан Қўбрай туманида жойлашган тажриба даласига такрорий экин сифатида пахта экилди.

Яқинда биз ана шу далада бўлдик. Ғўзалардаги қўсақлар қийос очилган, сурүнқали ёққан ёмғирлар чаноклардаги пахтага таъсир кўрсатганига қарамай, окликка бурканган майдон мафтункор қиёфа касб этган.

— Мамлакатимизда эртаги ғалла ва бошқа экинлар май ойи охирилари ва июнь ойи бошига келиб йиғиштириб олинади, — дейди лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Шўҳрат Абдуалимов. — Биз ҳам бир-бирига туташ беш гектарли икки пайкални 1 июнгача шудгорладик. Ерни экишга тайёрлашда гектар бошига 200 килограмм

аммофос фосфорли минерал ва 115 килограммдан калий хлорид ўғитлари солинди, дискали механизмлар билан бороналаш ва молалаш ишлари ўтказилди. Уруғлик чигит экиш олдида “Ўзбюгумин” стимулятори билан меъёрида ишлов берилди ва 2-3 июнь кунлари ерга қадалди. Бунинг натижасида ниҳолларнинг униб чиқиши 10-15 фоиз тезлашди ва бир ҳафта ичида соғлом кўчатлар текис ўздириб

олинди. Чигит экилгандан кейин пуркаш мосламаси ёрдамида “Стомп” гербициди сепилиши туфайли пайкалларда бегона ўтлар ўсишининг олди олинди. Ниҳолларни яғаналаш ишлари 12 июнь куни ўтказилиб, ғўза вегетацияси даврида 3 марта чопик қилинди ва қатор ораларига 4 марта ишлов берилди.

Лаборатория олимларининг инновацион технологияни қўллашдан пировард мақсади такрорий экилган ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш орқали юқори ҳосил етиштиришга қаратилган эди. Бунда маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган органик асосли стимуляторлардан фойдаланиш қўл келди. Юртимизда ишлаб чиқарилган “Ўзбюгумин” стимулятори ва туркиялик ҳамкорларнинг препаратларини ғўзанинг 5-6 та барг чиқарган, яъни шоналаш ва гуллаш даврида қўллаш усули ҳам синовдан ўтказилди.

— Шоналаш даврида “Fogal BMO” ва “Eckosil” препаратининг қўлланилиши ғўзанинг гуллаш жараёнини тезлаштирган бўлса, гуллар сонини ошириш учун “Geophos” қўшиб ишлатилиши яхши самара бери, — дейди лаборатория етакчи

илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Файзулла Абдуллаев. — Қўсақ шаклланиш ва ҳосил туғиш даврида ҳам ана шу гўминли стимуляторлар, жумладан, “Brentax KCA” билан ишлов берилиши пахта ҳосилдорлигини оширишнинг юқори самарадор технологияси эканини амалда яна бир қарра кўрсатди. Уларни мақбул меъёр ва муддатларда наинки пахтачилик, балки бошқа экиннинг униб чиқиши, ўсишини жадаллаштириш, ниҳолларни касалликлардан ишончли ҳимоя қилишда қўллаш яхши самара беради.

Қизғини шундаки, мазкур стимуляторлар билан бирга, 100 дан кўпроқ бирикмани ғўзанинг ўзидан олиш мумкин. Таркибида қарийб 20 хил органик қислота бўлган ғўза баргларида энг қимматли ҳисобланган лимон ва олма қислотала-

рини ҳосил қилиш ҳам шулар сирасига қиради. Бунинг учун пахтани қайта ишлаш заводларида хомашёни тозалаш жараёнида чиққан чиқитлардан фойдаланилади. Гўмин асосли стимуляторлар сувда осон ва тез эрийдиган мураккаб таркибли оксидланган амидлардан ташкил топгани ва самарадор хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Тажриба-синов даласидаги ғўзада очилган чанок ва қўсақларни санаймиз. Ҳар бирида ўртача 12-14 та, айримларида ундан ҳам кўпроқ. Демак, ҳосилдорлик камида 25-30 центнерни ташкил этапти. Уларнинг аксарияти 18-20 октябрга қелиб табиий равишда тўлиқ очилган. Дала-ларга ўзбек пахтачилигида тезпишар тур сифатида танилган янги С-8295, С-7318, С-7519, С-6580 навлари экилган.



— Такрорий пахта етиштириш технологияси камҳаражат, агар 20 центнердан ҳосил олинганда ҳам 20 миллион сўм даромад келтиради, — дейди Шўҳрат Абдуалимов. — Тола сифати ҳам юқори бўлиши кутиляпти. Келгуси йилдан бошлаб барча вилоятлар, айниқса, жанубий ҳудудлардаги фермер хўжаликлари ва кластерлар масъулларига бу тажрибамизни синов-кўргазма тариқасида кўрсатиб, улар билан ҳамкорлиқни йўлга қўймоқчимиз. Яқин истиқболда мамлакатимизда ғалла ва бошқа экинлардан бўшаган майдонларнинг муайян қисмида мазкур технологияни табиқ этиш имконияти бор. Бу орқали ўрта ҳисобда 800-900 минг тонна қўшимча пахта хомашёси етиштириш мумкин.

Албатта, бу синов даласида ўтказилган янги тажрибанинг дастлабки ҳулосалари. Қолаверса, мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг жадал ривожланиши туфайли пахта хомашёсига эҳтиёж тобора ортиб борапти. Кейинги йилларда пахтани қайта ишловчи 350 га яқин йирик фабрика ишга туширилди. Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 100 фоизга етди. Таҳлилларга кўра, ҳозирнинг ўзида 300 минг тонна тола етмайпти. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж яна 600 минг тоннага ошади. Шундан 300 минг тоннаси сунъий тола бўлса, яна камида 300 минг тонна пахта толаси зарур бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириғига биноан, мазкур эҳтиёжини илм ва янги технологияларга асосланган ҳолда, пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий қилиш орқали қоплаш ишлари бошлаб юборилган. Бу жараёни амалга оширишда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан синовдан ўтказилаётган такрорий пахта етиштириш каби янги тажрибаларни қўллаш ҳам фойдадан холи бўлмайдми.

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу эзгу иш ҳақиқий маънода умуммиллий ҳаракатга айланди. Ҳар бир маҳалла ва овулда, қишлоқда, ташкилот ва корхонада, хонадонларда бу ишда фаол бўлишга интилиш кучайди. Қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам яратувчанлик, ободлик ва эзгуликка йўғрилган ушбу савобли ишда собитқадам бўлишга интилмоқда.

Хусусан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси “Оналар яшил макон учун” тадбирини амалга оширяпти. Қўмита матбуот хизматининг маълум қилишича, ўтган йили бошланган бу ташаббус асосида бугунгача жойларда беш юздан зиёд “Оналар боғи” ташкил этилди. Ўтган ҳафта Бўстонлиқ туманининг тоғ бағридаги “Думалок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яна бир шундай боққа асос солинди.

Бу чаманнинг номи эрур гўзал Бўстонлиқ

“Думалок” маҳалла фуқаролар йиғинида бизни туман ҳокимлиги, маҳалла ва хотин-қизлар фаоллари кутиб олди. Иш аллақачон қизиган, оналар бош бўлиб ўрмончилик соҳаси мутахассислари ва етакчи ёшлар тоғ этагидан ажратилган майдонга ниҳол қадарди. Бир гуруҳ она-хонлар лапар ва айтимлар айтиб, ҳашарчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шу лаҳзаларда хира тортиб турган осмон бирдан ёришиб, кўёш чарақлаб чиқди, олам заррин нурга тўлди. Экилган ёш ниҳоллар кўёш шуъласида гоҳ яшил, гоҳ тилла рангда товланади. Майсазор устидаги шудринг жилоси кўзни қамаштиради, тупроққа илиқ ҳарорат югуриб, ер қизий бошлади. Табиийки, бу боғ яратиш, юртимизнинг ҳар қаричини обод этишни дилига тугиб, ҳашарга келган инсонларнинг гайратига ғайрат, кучига куч қўшиди.

Тадбирнинг расмий очилиш қисми одатдагиларидан бошқача бўлди — давлат ва нодавлат ташкилотларидан ташриф



буюрган мутасаддилар, ўрмончилар, экологлар, кенг жамоатчилик вакиллари давра олиб, юртимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида

лойиҳаси эса бу борадаги ишларнинг янада ривожланишига туртки бўлди.

Бўстонлиқ туман ҳокими ўринбосари Тоҳир Рустамбоевнинг айтишича, ҳудудда беш юз минг гектарга яқин ер майдони

гурунглашди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг ушбу лойиҳа доирасида бошлаган хайрли ишларидан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижалар ҳақида сўз борди. Барча тўпланганлар дуога қўл очиб, бошланган эзгу ишларнинг бардавом бўлишини, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди боғларга, чаманзорга айланишини ният қилди.

Бўстонлиқ туманида фаолият юритаётган “Тўлғур” фольклор-этнографик жамоаси раҳбари Барно опа Мирпўлатова:

Ўзбекларнинг юртида

Бордир бир бўстон,

Бўстонлараро доверуги дoston.

Ким келса, топар даво,

мустаҳкам соғлиқ,

Бу чаманнинг номи эрур гўзал

Бўстонлиқ,

дея юрта бўлган садоқати ва меҳрини жўшиб-жўшиб куйлайди.

Шу кунни янги очилган “Оналар боғи”га минг тупдан кўпроқ қарагай, бодом каби мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Мавсум ақнига қадар яна тўрт минг туп кўчат экилиши режалаштирилган. Мутахассислар таъкидлашича, ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитига мос бу ниҳоллар келгусида минтақанинг экологик муҳитини яхшилаш бораборида, озик-овқат тўқислигини таъминлашда ҳам яхши самара беради.

Бўстонлиқ тумани юртимизнинг табиати сўлим, ҳавоси мусаффо, икклими мўътадил ҳудудларидан бири. Тумандаги ўрмонларнинг катта қисми ўрмон ҳўжалиги томонидан барпо қилинган. Баҳор ойларида турли ўт-ўпан, лопча, чуҷмома, бой-чекач атрофни гиламдек қоплаб, ажиб бир манзара ҳосил қилади. Бу ҳудудда сайёҳлар диққатини жалб қилувчи кўплаб ноёб обидалар бор. Шу боис, сўнгги йилларда, жумладан, Бўстонлиқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга ошириляпти. “Яшил макон” умуммиллий

бор. Шундан 353 минг гектар ер ўрмон ҳўжалигига қарайди. Туманда ўрмонларни янада кенгайтириш, яшил ҳудудларни кўпайтириш мақсадида узлуксиз экологик тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йили кузги ва жорий йил баҳорги мавсумда 1 миллион туп кўчат экилди. 2022 йил куз ва келгуси йил баҳорда 360 минг тупдан кўпроқ ниҳол экиш режалаштирилган. Экилган кўчатлар заминга мустаҳкам илдиз боғлаб, улкан



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

дарахтларга айланиши учун сўғориш тизимлари ҳам барпо этиляпти.

— Юртимиз бўйлаб давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси туманимизда ҳам уюшқалиқ билан давом этапти, — дейди Бўстонлиқ туман оила ва хотин-қизлар бўлими бош мутахассиси Хулқар Ҳамидуллаева. — Бу жараёнда хотин-қизлар ҳам фаоллиқ кўрсатмоқда. Опа-сингилларимиз Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан илгари сурилган “Ҳар бир фаол хотин-қиздан беш туп ниҳол” ташаббусини кўплаб-қувватлаб, жойларда бўлиб ўтаётган кўчат экиш жараёнида фаол қатнашмоқда.

Бундан ташқари, боғ яратиш, юртимизни обод этиш борасидаги эзгу қадриятларимизни ёшлар орасида тарғиб этиш, ўсиб келаётган авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида “Оналар боғи” ташкил этиляпти. Туманимизда ҳам ҳозиргача бешта шундай боғ барпо этилди. Жорий йилги мавсумда яна бешта “Оналар боғи” ташкил этилади. Мақсадимиз — туманимизнинг ҳар бир маҳалласини, ҳудудларни боғларга, яшил масканларга айлантириш, яратувчанлик, ободлик, бунёдкорлик бора-сидаги азалий қадриятларимиз бардавом бўлишини таъминлаш.

Табиатни асраш — келажакни асраш демак

Инсон ўзини қўршаб турган табиий муҳитни она табиат деб эъзозлайди. Бу беҳиз эмас. Она фарзандини бағрида асраб қамолга етказса, табиат ҳам инсонга худди шундай меҳр кўрсатади. Одамзода ўз бағридан жой берган, унинг яшаши, ишлаши, хордиқ чиқариши, тарихий тақомили учун қулай шароит яратади. Шу боис,

табиатни севиб ардоқлаймиз, ўзимизни унинг бир бўлагидек ҳис этамиз. Билаги бақувват ўғлонларимиз табиатнинг ҳар бир гўшасини обод қилиш учун боғлар барпо этса, меҳридарё опа-сингилларимиз томорқасида бир қарич бўш жой топса, қашнич, шивит экиб, ҳовлисини обод қилади. Ариқлар ёқасига ялпизу райҳон, жамбил, далалар четига атиргулу лопча-қизғалдоқ экиб, бўз тупроққа қўрку оро-ийш беради.

Инсондан бундай меҳр-оқибат қўрган табиат ўз қўрку таровати ила кўнгилларини нурга, ҳаловатга тўлдиради. Чексиз неъматлари билан дастурхонимизга тўкинлик бахш этади. Бу тўқислик ва фаровонлик

тумандаги “Хў-жаобод” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Адолат Ақромова.

— Бизнинг маҳалламиз ахли, жумладан, хотин-қизлар ҳам бу хайрли ишдан четда тургани йўқ. Маҳалламиз ҳудуди ободонлаштирилиб, томорқаларга, ариқ бўйлари, далалар четига кўчат экиляпти. Айниқса, томорқадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Кам таъминланган оилаларга субсидия асосида иссиқхона қуриб берилляпти. Кўчат ва уруғлар етказилляпти. Ушбу имкониятдан унумли фойдаланаётган опа-сингилларимиз яхшигина даромад қилиб, рўзғорига барака қиритмоқда. Бундан оила ҳам, жамият ҳам наф қўряпти. Қолаверса, табиатни асраш мақсадида амалга оширилаётган бу ишлар ҳаётимиз давомийлиги асосидир. Шу боис, бу чоратадбирлар қўлами йилдан-йилга кенгаймоқда.

“Ҳар бир ниҳол боламдек азиз”

Назира Сатторова йигирма йилдан буюн “Бўстонлиқ” давлат ўрмон ҳўжалигига ишлайди. Ўз соҳасининг моҳир мутахассисига айланган Назира опа нафақат кўчат экиш ва парваришлаш, пайвандаш, уруғ териш, ниҳоллар тағига ишлов бериш, сўғориш каби ҳар бир йомушни оби-тобида бажаради. Унинг эккан ниҳоллари бугун улкан дарахтларга айланиб, элга ризқ, юрта барака бермоқда. Меҳнатни оқрайдиган рўзгор тебратиб, фарзандларини қамолга етказмоқда.

Экилган ҳар бир ниҳолнинг ўз хусусияти, табиат мувозанатини сақлашда ўрни бор. Тоғда, айниқса, бодом яхши ўсади. У нафақат табиатга қўрқ, балки мул ҳосил ҳам беради. Олимларнинг айтишича, бодом юз йилдан кўпроқ умр қўра экан. Қолаверса, тоғ шароитига, иссиқ-совуқ иқлимга чидамли. Шу боис, ўрмонлар майдонини кенгайтиришда бу ўсимликни кўпроқ экишга эътибор қаратилляпти. Кузда бодом уруғи териб экилади, униб чиққан кўчатнинг даноги аччиқ бўлади. Шунинг учун у ширин бодом билан пайванд қилинади. Ҳар йили катта-катта майдонларга шундай кўчатлар экилади.

— Ниҳолларга ҳар қанча меҳр бериб парвариш қилсак-да, аҳён-аҳёнда қуриб қолганларига кўзим тушади, — дейди Назира Сатторова. — Тўғриси, бундан жуда таъсирланаман. Ахир ҳар бир ниҳол мен учун боламдек азиз. Уларнинг ҳеч бири ҳазон бўлмаса, дейман. Ниҳолларни ундириш ва тўғри парваришлаш бўйича илмий янгиллиқ ва маълумотларга жуда қизиқаман, доимо тажрибамни ошираман. Токи, биз яратган боғлар юз эмас, минглаб йиллар барқ уриб яшнаб, авлодларимизга хизмат қилсин.

Ўрмончилик ана шундай машаққатли касб. Шунга қарамай, бу соҳада аёллар ҳам эркаклар билан бир сафда самарали фаолият юритади. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан ана шундай фидойи ва меҳнаткаш опа-сингилларимизни кўплаб-қувватлаш, манфаатдорлигини ошириш, хотин-қизлар ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Унинг доирасида ўрмончилик ҳўжалиқлари ҳудудий бошқармалари томонидан маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар томорқасига манзарали

ва мевали дарахт, бута кўчатлари, қаламчалар экиш ва уруғ етиштириш, хотин-қизлар ҳамда уларнинг оила аъзолари бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бунда Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган хотин-қизларга интенсив ниҳолхоналарда ишлаш бўйича назарий ва амалий билим берилади. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам кўрсатилляпти.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан уруғчилик ва кўчат етиштириш билан шўғулланиш ниятида бўлган фуқаролар, жумладан, имконияти чекланган ҳамда бандлиги таъминланмаган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди ва “Оналар боғи”ни ташкил қилиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилмоқда. “Оналар яшил макон учун” акцияси бундан буюн мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилади ва унда иштирок этувчи аёллар ўз саъй-ҳаракати билан яшаётган ҳудудларини яшил маконга айлантиришга муносиб ҳисса қўшади. Улар ўз маҳалласи ва хонадонига манзарали ва мевали дарахт кўчатини экиб, шифобахш гиёҳлар етиштириб, ўзини иш билан банд қилади.

Олам бўйлаб қулоч ёйган ташаббус

Юртимиз бўйлаб кузги кўчат экиш ишлари қизиган кетаётган шу кунларда яна бир хушхабар тарқалди: “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Туркий давлатлар ташкилоти дарахасидаги ташаббус сифатида кўллаб-қувватланмоқда. Бу ҳақда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида ташкил этилган брифингда маълум қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси халқро ҳамжамиятда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу лойиҳанинг эндиликда Туркий давлатлар ташкилоти дарахасида ташаббус сифатида олиб қилиниши бу борадаги яна бир муҳим эътирофнинг ёрдағи эканлигини кўрсатди. 11 ноябрь кунини Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити доирасида ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомиди мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокида Регистон майдонида кўчат экиш тадбири ўтказилди.

Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Венгрия ва Туркменистон давлатлари пойтахтларида ҳам бир вақтнинг ўзида кўчат экиш тадбирлари уюштирилди ва бу жараён онлайн мониторингда намоийш этилди. Ушбу тадбирлар иқлим ўзгаришига қарши қўрашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бўлиб, ўзаро ҳамкорликдаги экологик ташаббусларнинг ёрқин намунасирид. Зеро, чегара билмас, худуд танламаз экологик муаммоларнинг олдини олишда бу борадаги ҳамкорлиқнинг ўрни беҳис.

Хулоса шуки, инсониятнинг ягона яшаш макони бўлган табиат ҳаммиса меҳр-эътиборга муҳтож. Табиатнинг ҳар бир неъматини эъзозласак, заминимиз бағрини яшилликка тўлдирсак, авлодларимиз бунинг мевасини тотди. Бу эзгу ишлар ҳаёт давомийлиги ва тараққиётга пойдевор бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

САЛОМАТЛИК



Бобуржон кунни кеча оёқ бармоғи кесилган онахон ёнига аста чўқаркан, унинг кўзидан думалаган ёшни милтиллаган умид томчисига ўхшатди. Меҳрибонларча тана ҳароратини, қон босимини ўлчади. Ҳамма кўрсаткичлар баланд. Симиллаган оғриқ бутун вужудни зуриқтирган. Ҳамширага тезкор керакли муолажаларни буюрди. Хавотирлар чекиниб, иситма пасайган, онахон билан самимий сўхбатлашди. Аввало, кўникишни, диққати ошаверса, яна қон босими ва қанд микдори кўтарилиши мумкинлигини айтиб, шифокор тавсияларига риоя этиш шартлигини тушунтирди. Жароҳатда ширин сўз билан малҳам қўйди, гўё. Муштираб аёл юзида розилиқ аломати пайдо бўлди ва қўлини очиб, узоқ дуо қилди...

Анча хотиржам тортган Бобуржон шифокорлар хонасига қайтиб, кўзига боқаркан, ойнада ҳоргин, лекин қониқш чехрасини кўрди. Ҳозиргина эшитган “Болам, сизни тарбиялаган ота-онангизга, устозларингизга раҳмат, илоҳим, барака топишин”, деган онанинг дуоси уни хаёлан ўтмишга, ҳаёт йўлларида бир назар ташлашга ундади. Эзгу ниятлари ушалганидан қалбида алланечук ифтихор туйди.

МАСЪУЛИЯТЛИ, МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ

Тунги соат икки. У бир оз тин олиш учун стулга ўтириб, иш столидаги оилавий суратга кўз югуртираётганди. Шу пайт мобил телефонига навбатчилик постидида ҳамширадан хабар келди: “Доктор, узр, безовта қилдим. 10-палатадаги беморнинг ахволи ёмонлашиб қолди”. Ўқиди-да, дарров илгичдаги оқ халатини кийиб, шошилганча чиқиб кетди.

Қаҳрамонимиз Бобуржон Эргашев 1992 йилда Наманган туманининг Шишма маҳалласида туғилган. Бошланғич таълимни тумандаги ўрта мактабларда олди. Чўқурлаштириб ўқитиладиган 37-мактабга ҳам қатнади. Наманган шаҳридаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган 2-мактаб-интернат эса билимга чанқоқлигини ортттирди. Дастлаб тарих сабоқларига қизикди, олимпиадага қатнашди. 9-синфни битириш чоғида эса шифокор бўлишни дилига тугди. Бобосининг орзуси ҳам набирасини шифокор либосида кўриш эди. 2007 йили футбол ўйнаётганида йиқилиб тўшиб, беғи лат еганида, жонига оқ халатли нажоткорлар оро кирганини ҳеч қачон унутмайди.

2009 йилда у давлат гранти асосида Бухоро давлат тиббиёт институтини талабасига айланди. Талабалик қасамдешини тиб илми даҳоси Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғидаги буюк олим музейига қабул қилди. Биринчи босқични тамомлаб, оилавий шароити тўғайли тахсилни Андижон давлат тиббиёт институтига кўчирди. Етти йилда даволаш иши йўналишини бўйича бақалавур дипломини қўлга киритди. Яна уч йил изланиб, урологиядан магистр даражасига эришди. Талабалик йилларидаёқ институт клиникасининг

жонлантириш бўлимида фельдшер бўлиб ишлади. У ўзини қўлида тиб тиги бор, амалиётни мустақил бажарадиган қучли мутахассис сифатида қўришни хоҳлади ва шундай бўлишга интилди. Олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, Наманган шаҳар Давлатобод тумани марказий шифохонасида фаолият бошлади.

Урология соҳаси жарроҳликнинг ажралмас қисми. Бобуржон фарзандсизлик муаммосига учраган эркакларни даволади, маслаҳатларини аямди. Жамоадаги қизгин меҳнатни, гайрат-шижоат муҳити уни жарроҳлик сир-асрорларини пухта эгаллашига жиддий туртки бўлди. Назарий ва амалий малака ошириш қўрсатди, семинар ва конференцияларда мунтазам иштирок этди. Пандемия даврида карантин ҳудудидида саралаш марказида кунни тунга улаб, турли синовларни енгди. Камтарлиги, тартиб-интизоми, намунали ҳулки боис, қисқа фурсатда раҳбарият эътирофини, одамлар меҳрини қозонди.

— Узимни омадли ҳисоблайман, — дейди Давлатобод тумани марказий шифохонаси жарроҳи Бобуржон Эргашев. — Сабаби дуолари ижобат бўладиган кишилар атрофида парвонаман. Илмон қадар ҳасталар дардига дармон бўлишга, ҳолини

суриштиришга, ишонч уйғотишга интиламан. Ҳар сафар касалликдан тузалган, азоб-ўқубатлари ариган каттаю кичик мамнун ҳолда дуо қилганида ва ташаккурини айтганида жуда хурсанд бўламан. Кўчинга куч қўшилади. Ёз фаслида бир онахонни жарроҳлик столига ётқиздик. Табиийки, томиргич тинчлантирувчи ва оғриқни камайтирувчи қучли укол жўнатилди. Операция давомида бемор алаҳсираб, ниммалардир деб юборади. Бироқ шу онда онаизорнинг “Доктор болам, сизларга раҳмат, раҳмат”, деган гаплари аниқ-тиниқ қулоққа чалинди. Қаранг, ҳатто деярли хушсизликда ҳам бизни уйлапти. Тўғриси, қаттиқ таъсирландим. Ҳа, шифокорлик — масъулиятли, машаққатли ва шарафли касб.

Ёш шифокор тиббиёт олий ўқув даргоҳидаги мураккаб дарсларни ўн йил мобайнида сабр ва кунт билан ўзлаштирди. Ҳайдовчи отаси Ботиржон Баҳромов, ҳамшира онаси Бўхожал Даминова зарур шароитни яратди, дилбанди қамолни учун ҳаммиса ва ҳар жиҳатдан ҳисса қўшди. Бугун эса уларнинг фарзандлари эл қорига қамарбаста, юрт хизматига шай. Бобуржон жамки фойдалли билим ва кўникмаларини, саъй-ҳаракатини жамият соғлиғи учун сафарбар этмоқда. Институт клиникасида доцент Улугбек Рустамов, Яхёббек Норбоев, айни вақтдаги ҳамкасблари бош шифокор Тоҳиржон Бойдаеваев, жарроҳлик бўлими мудири Баҳромжон Абдуллоев, хирург Одижон Ҳожибоев, урология бўлими мудири Абдулҳамид Худойназаровни алоҳида ҳурмат билан тилиб олади.



Ўттиз ёшни қаршилаган Бобуржон оилада тўнгич фарзанд, икки укасининг таянчю суяғи. Ўзи ҳам уч фарзанднинг севимили отаси. Болалар дадасини ҳалоскор инсон деб билади. Уни танийдиган, сўроқлайдиганлар қўлиги учунини, бошқача ҳавас қилишади, фахрланишади. Отасидек бўлишга интилишади.

Орифжон ЖўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“ЮРТ БАЙРОҒИНИ КҮНГЛИНГГА ЭК ИЛДИЗ ОТСИН, КҮРСАТСИН БҮЙ”

Бошланиши 1-бетда

— Байроғимиз барибир бошқача. Нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, уни яратиш жараёнида жуда кўп қадимги адабиётларни ўргандим, — дейди байроғимиз муаллифларидан бири, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар Мамажонов. — Байроқдаги ҳар битта деталнинг нима мақсадда танланганини изоҳлаб беришим керак эди. Менда ҳар бир рангнинг маъноси ёзилган дафтар бор эди. Уша ёзувларим бир неча нусхада кўпайтирилиб, депутатларга тарқатилган. Бошқа давлатлар байроқларини ҳам обдан ўрганганман. Ҳар битта



ранг устида узоқ ишлашга тўғри келган. Байроқ намунаси бир ярим йил деганда тайёр бўлган. Қўллаб эскизлар орасидан сараланиб, охирида муҳокамалар учун Баҳодир Жалоловнинг 1 та ва mening 2 та намунам қолди. Эскизларимнинг бирида юлдузлар сони 1 та эди. Муҳокамаларда юлдузлар сонини 12 тага кўпайтириш фикри билдирилиб, мен таклиф қилган ранглар билан янгиланган эскиз нусхаси Олий Кенгашда тасдиқланди.

Аслида, ҳар бир халқнинг байроғи ўзига энг чиройли, ягона туғ бўлиб кўринади. Аммо тан олиш керакки, ўта ёрқин бўлган 2,5 сантиметрлик қизил ранг байроғимизда гоёта нафис тарзда намоен бўлади. Ундаги оқ, яшил ва кўк ранглар 40 сантиметрни ташкил қилади.

Шарафли ишнинг масъулияти ҳам катта

Байроқ қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда кўп қатнашганмиз. Аммо ўтган йили “Халқлар дўстлиги” майдони бўйлаб денгиздек мавжланган, байроғимизни акс эттирган матони салкам 200 киши кўтарганини тўлқинланиб ёзгандик. Бу йил эса ўша байроқни тиккан инсонлар билан ҳамсухбат бўлишга муваффақ бўлдик.

— Сиз кўрган байроқнинг ҳажми чиндан ҳам катта, 18х180 метр эди. Бир ҳафтада тикканмиз. 1400 метр мато сарфланган, — дейди “Шораҳмат-файз” оилавий корхонаси раҳбари Махбуба Қодирова.

Дастлаб қайнонаси Махпура Қодирова раҳбарлигидаги “Аъло омад ривож” фирмасида менежер, кейинроқ ҳисобчи бўлиб ишлаган Махбуба опа байроқлар ҳақида кўп ўқиб-ўрганди. Интернетдан ҳам анчагина маълумотларга эга бўлди. Дизайнерлик курсларига бориб, “Photoshop”, “CorelDRAW” дастурларида бемалол ишлайдиган бўлди. Турмуш ўртоғи билан алоҳида корхона очди. Айни пайтда мазкур корхонада 25 нафар ишчи ички буюртмалардан ташқари, Тожикистон, Қозоғистон, БАА давлатлари ва қўллаб-қўллаб қўлланган байроқлар тайёрлаб берапти. Шунингдек, улар тиккан байроқлар Президент Администрацияси, Ташқи ишлар вазирлиги бинолари пештоқи, Дурмон қароргоҳларида ҳам ҳиллаб турибди.

— Давлат рамзларининг қонун билан тасдиқланган ўз стандартлари бор, — дейди Махбуба опа. — Ой, юлдузлар, қизил хошия ва рангларнинг неча сантиметр бўлиши кераклиги ҳужжат билан белгиланган бўлиши керак. Уша ўлчамлар бўйича тикилган байроқ намунасини Ўзстандарт агентлигига топширганмиз. Намунамиз

қонун доирасида кўриб чиқилиб, сертификат берилган. Уша стандартдан чиқмаган ҳолда ишлаймиз. Фаолиятимизда янгилик қилиш учун турмуш ўртоғим билан кўп изланамиз. Аввал байроқдаги ҳар бир бўлак бир-бирига қўлда тикилиб ўланар эди. Чет элларга бориб, кўргазмаларда қатнашганимизда, хусусан, Туркияда, Хитойда байроқ тикиш технологиясини ўргандик. Рангларни сифатли босадиган энг яхши машиналарни танлаб, шартномалар туздик. 2013 ва 2017 йилларда Хитойдан янги аппаратлар олиб келдик. Янги босма ускуналар жуда сифатли. Уларда босилган ранглар ўчиб кетмайди. Байроқ учун тўқимачиликда қўлланадиган бўёқларни ҳам четдан олиб келамиз. Матоларни, асосан, Хитой ва Туркиядан сотиб оламиз. Хорижий ҳамкорларимиз билан алоқамиз жуда яхши, онлайн тарзда буюртма берсак ҳам, маҳсулотни етказиб беришади. Фақат пандемия пайтида бўёқларни олиб келиш имкони бўлмади қолди. Мудрофаа вазирлиги кўмагида керакли маҳсулотлар харбий самолётда олиб келинди. Маҳсулотни ўзимиз олиб келганимиз байроқлар сифатининг яхши, хизмат нарининг арзон бўлишини таъминлайди. Мижозлар айнан шундай маҳсулотни қидиради.

Махпура Қодирова келини ва ўғлининг ўзидан-да ўзиб, инновацион усулларни қўллаётганидан хурсанд. Зеро, уларнинг фаолиятида тезкорлик муҳим аҳамиятга эга. Гоёта масъулиятли бу иш корхона

раҳбаридан чет тилларини ҳам яхши билишни тақозо этади. Шунинг учун Махбуба Қодирова рус, инглиз, турк тилларида гаплаша олади. Ташқи ишлар вазирлиги ташкил этадиган тадбирларда бу айниқса қўл келади. Шунингдек, элчионалар буюртмаларини тайёрлашда ҳам ҳамкорлар билан давомли мулоқот қилиш керак. Буларнинг барчаси аллақачон эътиборга олинди, қаҳрамонимиз қўллаб-қўллаб-қўллаб эътирофга сазовор бўлган.

Юқорида айтганимиздек, байроқ тикиш гоёта масъулиятли иш. Бу борада ҳаққоний бўлмайдиган Президент иштирақ этадиган давлат тадбирларида 1,2 метрга 2,4 метр ҳажмдаги байроқлар ўрнатилса, меҳмонхоналар олдида 1 метрга 1,5 метр ўлчамдаги байроқлар илинади. Ташқи ишлар вазирлиги, Президент Администрацияси биноларидаги байроқлар бир йилда 2-3 марта янгиланади. Хоналарга ўрнатиладиган байроқлар ҳажми хонанинг ўлчами ва флагштокларга қараб, ой, юлдузлар оралигини сақлаган ҳолда қисқартирилади.

Дунё байроқларини тайёрлашда ҳам ўзига яраша қийинчиликлар бор. Масалан, Қатар давлатидан меҳмонлар келадиган бўлса, Қатар элчихонаси байроқнинг стандартлари, баённомаларини беради. Тикувчилар эса турли хил намуналар тақдим этади. Элчихона танлаб берган намуна асосида ўша давлат байроғини тикишга киришилади.



© Ҳажми йўлдошев олган суратлар.

Махбуба опа турмуш ўртоғи билан келгусида лазерли босма аппаратлар олиб келиш ниятида. Зеро, бориш учун тобора кенг имконият очилаётган Умра зиёратига бейжиклар тайёрлаш, спорт мусобақалари, фестивалларга логотипли байроқлардан ташқари, махсус спорт кийимлари учун ҳам буюртмалар беришати.

Унутилмас кун

Қаҳрамонимиздан байроқ билан боғлиқ ёдда қоларли бирор ҳолат ҳақида сўрадик.

— Тиккан байроқларимизни спортчилар мусобақаларда кўтарса, қайнонам ҳар сафар гурурланиб, кўзига ёш олади. Менинг кўнглимда ҳам шундай туйғулар кечади. Яқинда 8-синфда ўқийдиган қизим Туркияда ўтган Осиё давлатлари ўртасидаги фан олимпиадасида қатнашди. 2000 дан зиёд тенгдошлари орасида фарзандим 3-ўринни олди. Ҳалилар қаторида унинг исм-шарифи айтиб қақирилганда, ўқитувчилари дарҳол қизимнинг елкасига ўзимиз тиккан Ўзбекистон байроғини ташлаб қўйди. Ана шунда Ватан байроғидан гурурланиш ҳиссини ҳар қачонгидан ҳам қучлироқ сездим. Кўзимда секин ёшлар айланди. Қалбимда қучли ҳаяжон турди. Чунки биринчи бор ўзимизнинг меҳнатимизни ўзимизнинг оиламиз вакили намойиш этди. Бу мен учун ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Спортчи бўлмасам-да, юрт байроғини баланд кўтараман

Ҳа, давлат байроғида дилларни Ватанга чамбарчас боғлаб қўя оладиган шундайин катта куч бор. Спорт мусобақаларида ғолиблар шарафига беҳиз мадҳия садолари остида байроқ кўтариламан. Уша кезде байроқ ўзи билан бутун бир халқнинг, мамлакатнинг ори, гурурини юксакка кўтарди.

— Ҳали спортчиларимиз, илм-фандаги иқтидорли ёшларимиз шарафига юртимиз байроғи кўтарилади, давлатимиз мадҳияси янграйди. Мен ҳам Ўзбекистон байроғини юқорига кўтаришни истайман, аммо спортчи эмасман-да... Лекин менинг йўналишимда ҳам ушбу мақсадга эришиш учун имконият бор: IT соҳасида етук мутахассис бўлиб, хорижий давлатларда таққиллаштирилган WCG мусобақасида галаба қозониш! Ана шундагина Ўзбекистон байроғини баланд кўтара олишдек мақсадимга эриша олам, — дейди Хушидбек Холмиров.

Дарвоқе, келажакдаги ёрқин тасаввур қилаётган бу йигит PDP университети талабаси. Хушидбек ҳам кўнглида юксак орзулар билан олдинга интилаётган ана шундай ёшларнинг бири. У айни пайтда

давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган IT соҳасининг умидли вакили. Бугун Хушидбек каби ёшлар ўзларига берилаётган имкониятларга жавобан юрт байроғини баланд тутиб, Президентнинг ишончини оқлашга



астойдил киришган. Бинобарин, миллий гурур қанчалар қудратли туйғу эканини улар яхши билади.

Президентга тугҳа

Миллий гурур давлат рамзларига муҳаббатни шакллантирадиган экан, ҳатто хунармандларимиз ҳам байроқ қабул қилинган сана олдида биз билан боғланиб, давлатимиз рамзлари тасвири ўзларининг қўл ишларида акс эттираётганини айтиди. Наманганлик, сирдарелик, хивалик, фарғоналик хунармандларимизни бу борада алоҳида эътироф этиш жоиз.

— 500 дан зиёд шоғирдим бор, — дейди Наманганлик Гулнора опа Мирзаабдуллаева. — Байроқ, герб тасвири туширилган ишларимиз совға учун тайёрланади. Зеро, қўл меҳнати билан тайёрланган бундай совғаларнинг баҳоси бўлмайди. Пойтахтдан, чет элдан ташриф буюрадиган меҳмонларга, албатта, шундай совға бераман. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Расмларини ҳамкорликда ишлайдиган ҳаттотларга чиздирамиз. Ипларни четдан сотиб оламиз.

Бир гал Президентимизнинг Наманганга ташрифи олдиндан байроқ тасвири туширилган гиламча тўқишни бошладим. Ишонасимиз, шунақанги илҳом, завқ билан тўқидим. Шахсан қўлларига бера олмасам-да, етказдик.

Байроққа муҳаббат, садоқат ҳақида гапирилганда, ўзбекнинг семимли шоираси Ҳалима Худойбердиеваннинг юрт байроғи ҳақидаги ўша машҳур сатрлари ёдга келаваради:

*Юрт байроғин ҳар жойғамас,
Кўнглимга эк. Кўксини ўй!
Ишлов бергин, юмшатиб тур,
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.*

Дарҳақиқат, юрт байроғини кўнглига экиб, кўксини ўйганлар, унинг мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳиллашидан бахтиёрлар Ватанга ҳар қандай шароитда ҳам хиёнат қилмайди. Аслида, юрти бир, туғи бир одамларнинг ҳаммаси шу байроқ остида бирлашсин, давлат рамзларига муҳаббатни ўлароқ, Ватанга муҳаббатини намоен этиши керак.

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлат гербига муносабат ҳам қатор жиддий ёндашувларни талаб қилади. Герб доимий ҳамроҳимиз, унинг сурати паспортимизда, пулимизда, иш ва ҳаётини зарурат туфайли турли ҳужжат, хат ва ёзишмаларда, уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи муҳрларда акс этиб туради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мадҳиямиз халқимиз томонидан жуда катта қувонч билан қабул қилинди. Айниқса, таълим-тарбия муассасаларида бу масалага жиддий эътибор қаратилди, ҳар бир дарс жамоа бўлиб мадҳиямизни ижро этишдан бошланди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Мадҳиямиз онгимизга сингиб, қалбларимиздан чўқур жой олди. Бу жуда қувонarli ҳол, албатта. Шу билан бирга, мадҳиямизга ҳурмат борасида ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, турли тадбирларда мадҳиямиз ижро этилаётган пайтда айрим фуқароларимизнинг қўлини кўксига қўймай туриши, мадҳия матнини билмаслиги, кўр-кўрона пичирлаб туриши ёки тадбирлар давомида мадҳия ижроси ярмига етганда тўхтатиб қўйишни кишини ўйлантиради. Бизнингча, мустақил давлатнинг ҳар бир фуқароси ўз мадҳияси билан фахрланиши, уни гурур билан қўйлаши лозим.

Давлат рамзлари муқаддас, уларни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, гард юқтирмайлик ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

МУЛОҲАЗА

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ МУҚАДДАС УЛАРНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Искандар ҲАЙИТОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси

Бугунги кунда ер юзида икки юздан ортиқ давлат бўлиб, уларнинг ҳар бири бетакрор тарихи, маданияти, маънавияти, турмуш тарзи, қадрият ва анъаналарига эга. Ўз навбатида, бу давлатларнинг суверен ва мустақиллигини ифодалаб турувчи, юзи, кўзи, иқтисодий салоҳияти, менталитети ва бошқа жиҳатларини аниқлашчи белгилари — давлат рамзлари бор. Булар байроқ, герб, давлат мадҳияси, шунингдек, давлат тили, миллий валюта, паспорт, пул бирлиги ва бошқалардир.

Давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг сиёсий қурилиши ва маданий-маънавий ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқ. Масалан, буюк Амир Темур асос солган марказлашган давлатнинг ҳам ўз рамзи — герби ва туғи (байроғи) бўлган. Уч халқа шаклидаги тамга (герб) давлат пулида, барча давлат ҳужжатларида, чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқаларда кенг қўлланилган. Тўғ эса харбий юришларда қўшин олдида кўтариб юрилган ва қароргоҳ пештоқига осиб қўйилган.

Мамлакатимизнинг яқин ўтмишида — XX аср бошларида Қўқон (Туркистон) мухторияти, Бухоро ва Хоразм халқ республикасининг давлат рамзлари — байроғи, герби ва бошқа белгилари бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Бу давлатларнинг рамзлари ҳозиргача илмий асосда тўпик ўрганилмаган.

Энди Ўзбекистон номи билан боғлиқ давлат рамзларига келсак. 1991 йил 31 августда миллий давлатчилигимиз ва халқимиз ҳаётида жуда муҳим, тарихий воқеа рўй берди. Жаҳон сиёсий

харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII қақриқ навбатдан ташқари VI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунда яна бир бор Ўзбекистоннинг давлат рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси ва Конституциясининг миллий қадрият ва анъаналаримизга мос янги лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш масаласи кўтарилди. Аслида, бу масала 1990 йил июнда бўлиб II сессияда кўн тартибига қўйилган эди.

Халқимиз ўз тарихида узоқ қутилган мустақиллик онларига ҳам етиб келди. 1991 йил 18 ноябрда давлат байроғи, 1992 йил 2 декабрда давлат герби, 1992 йил 8 декабрда Конституция, ўша йили 10 декабрда давлат мадҳияси қабул қилинди. Шунингдек, 1994 йил 1 июлда миллий валютамиз — сўм, 1995 йил 1 январда миллий паспортимиз жорий этилди. Зеро, давлатимиз рамзлари юртимиз шон-шараф, халқимиз фахр-ифтихори, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини

ўзида мужассамлаштириб туради. Уларни эъзозлаш, қадр-қимматини жойига қўйиб асраб-авайлаш ҳар биримизнинг мамлакатимизга ва шахсан ўзимизга ишончини мустаҳкамлашдир, десак айни ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, герби, мадҳияси тўғрисидаги қонунларда ушбу рамзларнинг шакли, тузилиши, ранги, мазмун-моҳияти, қўлланиши, кўтарилиши, осиб қўйилиши ва бошқа жиҳатлари аниқ белгиланган бўлиши керак. Жумладан, давлат байроғи давлат мустақиллиги белгиси сифатида ҳукумат, қонун чиқарувчи олий орган бинолари пештоқда, шунингдек, давлат ташкилотлари, идоралар, вазирликлар, элчионалар, консулхоналар, хориждаги ваколатхоналар биноларида, халқаро қатновдаги ҳаво ва денгиз кемаларида ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа қатор вазиятларда қўтарилади.

Замин узра ҳиллаётган байроқлар орасида, шукрки, биз учун алоҳида қадру қимматга эга, сарбаланд, кўрсак, кўзимиз яшнайдиган, кўнглимиз гурурга

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун бўяна расмийлаштирилган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1164. 81039 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов Мусахх; Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хушид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА аякуни — 00:40 Топширилди — 01:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz